

Мэтийн Хөгжлийн



HUDUDGAZTA'MINOTI
AKSIYADORLIK JAMIYATI

ID 50299

III-12

**ТАБИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ
ИСТЕЬМОЛЧИЛАРГА
ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ
ШАРТНОМАСИ**

No III-12

Иштэвн 2022 н.

Табии газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб берниш ва кабул килиши
ШАРТНОМАСИ

20 йил " декабр 0-12-сон Исламов
(шартнома гузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи Исламов Рустем
(Истеъмолчи номи)
(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари М. Негматов
бир
томондан ҳамда Низом ва 20 йил " " да берилган -сонли
ишончнома асосида фаолият юритувчи "Исламов Рустем ГТР"
(газ таъминоти Чашқилоти номи) (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб
аталади), раҳбари Н.О. Исламов иккинчи томондан, куйидагилар
тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари оркали Истеъмолчининг
келишилган буюртманомаси бўйича табии газ (кейинларда ўринларда газ деб
аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу
шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни кабул килиш мажбуриятини
олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига
мувофик, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга
газ курилмали, шунингдек, электрон газни хисоблаш приборлари (кейинги
ўринларда хисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган мөъёлларга (Табии газдан
фойдаланиш коидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга
(ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси Йилда газга асосланган эҳтиёжни
тақдим этади.

Истеъмолчи жорий Йилнинг 15 июль кунинга қадар келгуси Йилда истеъмол
килиниши таҳмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган
газ ҳажми техник шартлаюла белгиланган босим ва ҳажмда 20 йилдан
18180 куб.м, нархи 1198800 динг сўмни ташкил қиласи, жумладан
чораклар ва ойлар бўйича куйидагича тақсимланади:

I чорак 18180 мингкуб.м, январь 9040, февраль 6060, март 3030.
II чорак _____ мингкуб.м, апрель _____, май _____, июнь _____.
III чорак _____ минг куб.м, июль _____, август _____, сентябрь _____.
IV чорак _____ мингкуб.м, октябрь _____, ноябрь _____, декабрь _____.

Етказиб берувчи томонидан хизматларин түлик ҳажмда күрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармоқларининг ишлаши итдай чиккан тақдирди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорида қайд этишган стратегик ва ижтимоий аҳамиятта йи Истемолчиларга 2009 йилда зурур бўлган табиий газнинг минимал ҳажми 18180 минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича кўйнадигини ташкил килади:

I чорак 18180 мингкуб.м, январь 9090, февраль 6060, марта 5050.

II чорак _____ мингкуб.м, апрель _____, май _____, июнь _____.

III чорак _____ минг куб.м, июль _____, август _____, сентябрь _____.

IV чорак _____ мингкуб.м, октябрь _____, ноябрь _____, декабрь _____.

1.5. Агар, Истемолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этиласа, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир ҳил микдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истемолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истемолчи томонидан навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортиқча олинган газ микдори деб хисобланмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада қайд этишган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларди ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар) га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истемолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5 бандларига асосан жорий ой учун газ истемолининг суткалик меъёри доирасида таъминотига кабул килил олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва кабул килиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истемолчининг 24 соат ичидагаз етказиб бериш ва кабул килиш тартиби ва шартлари ўзгарганилиги тўгрисида барча усууллар орқали Истемолчини хабардор килиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

66-629-11-04

Истемолчи манзили ва телефон рақами:

66-629-21-66

2.4. Етказиб берувчи Истемолчини газ етказиб бериш қискартирилишига кадар камидаги 24 соат аввал бу ҳақида хабардор килиши шарт, магистрал газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истемолчи хабардор килингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол қискартирилади ёки тўхтатилиди.

2.5. Магистрал ва тақсимловчи газ қувурларининг технология иш режимлари бузилганда, шунингдек, куз-қиши мавсумидаги ижтимоий соҳа обектларини ва входи истемолчиларини бир маромада табиий газ билан таъминлаш мақсадиди. Етказиб берувчи Истемолчини огохлантирган ҳолда газ стказиб беришини чеклаш ёки

тұхтатиб қўйиши ҳукукига эга, Истемолчи эса захира ёқилги туридан фойдаланишга ўтади.

2.6. Истемолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмашишин таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.7. Истемолчи захира ёқилги туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли микрорда (З ойдан кам булмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истемолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ захира ёқилғига ўтиши ва газдан фойдаланишни тұхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тұхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истемолчи ўзиға тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ таксимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз холда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда саклаш учун жавобгар хисобланади.

2.9. Истемолчининг қўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истемолчи Етказиб берувчидан қўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истемолчи ёки Етказиб берувчининг тұлов реквизитлари ўзарган ҳолатларда улар зудлы билан бир-бирини бу хакида хабардор килиши шарт.

2.11. Табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, таксимлаш ва истемол килиш режимининг ягона узлусиз технологик жараёнини хисобга олиб, табиий газни Ишлаб чыгарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажарниш Истемолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни ҳисобга олмасдан етказиб беришга йўл кўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ микдори газ тармоқлари бўлинини чегарасида ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аникланади ҳамда ҳар иккى томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоги бўлинини чегараси (Истемолчи балансида бўлган газ тармогининг бошланниши ҳисобланниб) Етказиб берувчи ва Истемолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аникланадиган газ тармоги бўлинини нуткаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик микдори стандарт шароитда 1 м³ газ олиниди: ҳарорат 20° С, босим 101,325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат ангидрид) кийматлари бўйича тузатилади.

Газ микдори “Ўзстандарт” агентлигининг меъерий-ҳукукий ҳужжатлари талабларига мувофиқ газ микдорини стандарт шароитта автоматик равишда келтирадиган газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аникланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истемолчининг балансида булган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплексси унинг мулки ҳисобланади.

3.5. Истемолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплексси танлови тегишли қоидалар ва мөъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истемолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплексси газ истемолини ҳисобга олиш ва назорат килишининг автоматлаштирилган тизим (ТГҲНАТ-АСКУГ) ларига уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қоидалар ва мөъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида O'z DS 8.030:2008 "Ёқилги ва энергия. Ҳисобга қўйиладиган умумий талаблар", O'z DS 8.031:2008 "Ёқилги ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жихозлаш ва уларни ишлатиш" давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиш.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги мөъёрлар ва қоидаларга мувофиқ булиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари "Ўзстандарт" агентлигининг жорий қиёслов кўригидан ўтказилган сертификати ва/ёки метрологик аттестациясига зота бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг қиёслов кўрикдан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини "Ўзстандарт" агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий қисмларини) "Ўзстандарт" агентлигига метрологик аттестациядан ўтказишниаг ўз вактида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслов кўриги/калибрлаш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эктиёслари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштироқида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги мөъёрлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслоаш кўриги/калибрлаш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эктиёслари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштироқида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги мөъёрлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси чақиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларни модернизация килиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошка усууларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб берувчи Истеммолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамғаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажмини ўлчашга таъсир киладиган қисмларига Истеммолчи иштирокида ўринатади ва тегишили далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамғаларни бутлилига Истеммолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеммолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплекслари ва уларнинг таркиби қисмларининг түғри ишланини кузатиш хукукига эга. Шу билан бирга, Истеммолчи Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ Етказиб берувчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиқсиз киришини таъминлайди.

3.16. O'z DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида ғайритабии ҳолатлар юзага келган тақдирда O'z DSt 8.064:2017 бўйича газнинг микдори хисобланади (корректировка). Ўлчаш курилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятига рухсатсиз аралашиш ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун хисоб-китоб, куйидаги ҳолларда тамғаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши хисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни хисобга олмаган ҳолда газ истемоли – газни хисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни хисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истемол қилиш (ноқонуний байпас линиялари уланганда) охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аникланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) хисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда – охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) хисобга олиш прибори бузилганда (хисобга олиш прибори бузилганигини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатта олган ҳолда бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

г) хисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – киёслов кўригидан ўтказиш учун ечилиганда – хисобга олиш прибори ечилиган кундан “Ўстандарт” агентлигидан киёсловдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вақтга;

д) хисобга олиш приборини киёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугаганда – киёслов кўригиданметрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан киёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилиган кунгача бўлган вақтга;

е) ҳисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг кисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бузилганды – охирги кўрик ёки газ таъминоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб, лекин бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вактта;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб кўйилганды – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вактга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ қувурларида ёки ГТПларида асбоб-ускуналар ўрнатилганды - охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вактда;

и) Газ ҳисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноконуний тарзда ташки таъсир кўрсатган ҳолда табиий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда- ташки таъсир кўрсатилган куидан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасида сакланадиган архив маълумотларини йўқотиши, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимидан ҳисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганды ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган такдирда. (Ҳисоб-китоб учун ТГҲНАТ (АСКУГ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотларни мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТГҲНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортича бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмагандан эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охирги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш хужжатларини расмийлаштирумасдан истеъмолчи томонидан кўшимча газ курилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (кўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослантирувчи хужжатлар мавжуд бўлганида) -бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг месъерий-техник хужжатларидан кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлийигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаши приборларини экспертизадан ўтказишини талаб қилиш хукукига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса –экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиққанда ёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиқшиш ҳолатлари аниқланган тақдирда Истельмолчи 24 соат ичидә Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамгаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқшиш ҳолати аниқланган тақдирда кайта ҳисоб-китоблар охирги күрік ёки газ таъминоти ташкилоти вакиил бориб күрган вактдан бошлаб аниқланған күнгача, лекин дайы муддатидан күп бўлмаган даврда амалга оширилади. (*O'z DSt 8.586 га кура газин аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак*).

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истельмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигитомонидан амалдаги қонунчиликка мувофик белгиланади.

4.3. Истельмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчиянинг ҳисоб ракамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми кийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳак тўлаш асосида амалга ошириши хохишини билдирган истельмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳак тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билдирги тартибида мурожаат килишга ҳаклидир. Бундай ҳолатларда истельмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб ракамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми киймати суммасининг 50 фоизи миқдорида олдиндан ҳак тўлашилари шарт. Амалда истельмол қилинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойнинг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истельмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истельмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамиятга эга истельмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истельмолчи ҳар ойнинг 10 санасига кадар аввалги ойда истельмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истельмолчилар ҳисоб-китоб килиш ойи тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишида Истельмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблаглар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблаглар эса келгусида газдан фойдаланишида ҳисобга олинади.

4.9. Истемолчи томонидан табиий газ етказиб берисі учун тузилған шартномада белгилілганидан күп қажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истемолчидан шартномадаги қажмалардан ортиқча олинган табиий газ қнйматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилған тұлов ундирилади.

Бунда, белгиланған тартибда хисоблаш приборини алмаптириш, таъмирлаш, хизмат күрсатиш, текшириш ва созягини мониторинг қылыш учун ечиб олиш, шунингдек, Истемолчига алоқадор бұлмаган турлы хил (электр таъминоти носозилти, қақмоқ, қиска туташув ва х.к)даги техник носозилклар аниланғанлығи сабабли истемол қилинған табиий газ қажмнини ўрнатылған газ асбоб усқуналарини тұлғы қуввати бүйіча хисоб-китоб қилиниши натижасыда шартномадаги қажмалардан ортиқ қажмаларни ташкия қылған ҳолаттар бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истемолчининг қарзи мавжуд бұлған тақдирда, уннинг аванс тұлови хисобига үткәзилған маблаглари Истемолчинн хабардор қылған ҳолда қарзны қоллашға йүнәлтирилади ва аванс тұлови сифатида хисобға олинмайди.

4.11. Шартномада күрсатиб үтилған мұлдатларда етказиб берилған газ қнймат үз вактінде тұламаганда. Истемолчи мұлдаты үтгандар қар бир күн учун мұлдаты үтгандар тұлови суммасининг 0,4 фонзи микдорида, лекин мұлдаты үтгандар тұлови суммасининг 50% фониздан ошмайдынан микдорда пена тұлайды.

4.12. Хисоб-китоб ойнда етказиб берилған табиий газ қажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истемолини хисобға олиш приборидан күрсаткичларни өзіб олиш (ТГХНАТта уланғай, шунингдек, табиий газни истемол қилишни хисобға олиш приборларига зәға бұлмаган ва белгиланған мезерлар бүйіча хисоб-китоб қиладынан истемолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик өзіб олинған күрсаткичлар Fossa тизимиға киритиш, шунингдек, истемолчилар томонидан табиий газ истемолини хисобға олиш приборлари күрсаткичларини интерактив хизметтер воситаларидан фойдаланған ҳолда киритиш орқали аниланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан күрсаткич олинғанидан сүнг кейинги ойнинг 5 кунига кадар Етказиб берувчи томонидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш-кабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилған газ етказиб бериш-кабул қилиш далолатномасига асосан истемолчига электрон хисобварап-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчива Истемолчи ўртасидаги хисоб-китобларнинг хаконийлігінін таъминлаш учун хисобот даврида газни етказиб бериш-кабул қилиш далолатномаси Истемолчыда қуйидаги техник хужохаттар мавжуд бұлғанда расмийлаштирилади:

а) газни хисоблаш прибори хотирасидан хисобот даври учун олинған (кучирма) архив маълумотлари;

б) Истемолчига тақдим этиладын, Истемолчининг бұлиннин чегарасынча бұлған жойдаги газ тармоклари ва ГТКтардаги технологик йүкотишларнинг қажми тұғрисидаги далолатноманынг мавжудлігі; Бунда Истемолчи балансида бұлған газ тармоклари ва ГТКдаги технологик йүкотишлар Истемолчи хисобига олиб борилади.

4.15. Истемолчи ойнинг 7 кунидан кечирилмасдан Етказиб берувчидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини қабул қылғын олади, имзолайди ва бир нұсқасини Етказиб берувчига жүнатади.

Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-кабул қилиш далолатномасига асосан электропт хисобварақ-фактурани кабул қиласы.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-кабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътиrozлар билан имзолаш Истельмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатилган ёки кабул қилингган газ миқдорини аниклашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан хисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 10-кунгача бошка томонга бу тўрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим қиласы. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибида кўриб чиқилиши керак.

4.17. Истельмолчидан дебитор қарзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан конунда белгиланган тартибида амалга оширилади.

4.18. Газ узиб қўйилганидан сўнг үзбошимчалик билан қайта уланганда, истельмол қилингандай газ ҳажми ва унинг киймати газ узиб қўйилга кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичидаги тўлиқ қувват билан ишлаб туриши хисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгаргантакдирда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қиласы. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида колади, истельмол қилингандай газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у конунда белгиланган тартибида кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истельмолчи табиий газнинг аванс тарикасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кўпичи билан кейнинг 1 ой қўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади.

V. ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишида Истельмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандда кўрсатиб ўтилган хуқуқбузарликларга йўл қўйилиши, Етказиб берувчи ва Истельмолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истельмолчидан, фойдалангандай газ ҳажми киймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2 бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми кийматининг ундирилиши Истельмолчи табиий қонунчиликда белгиланган жавобгарликтан озод қиласы.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛANIШ ТАРТИБИ

6.1. Истельмолчидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилгунинг кадар газ гармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;
- Етказиб берувчи вакилларини газдан фойдаланиш ускуналари ва хисобга олиш курилмаларини низоратдан ўтказишга йўл қўйилмаганда;

- фойдаланилган газ учун хисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганилиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлгагид;

- шартномада белгиланган буюртмаларга старли миқдорда олдиндан тўловлар амалга оширилмагандан;

- Етказиб берувчининг ва "Узнефтгазинспекция"нинг курсатмалари бажарилмагандан;

-хисоблаш приборларига касдан зарар етказилганда, прибор курсатчиларини ўзгартириш мақсадида уларни ишлашига тўсқинлик қилувчи хатти-харакатлар амалга оширилган ҳолатларда;

- газни хисобга олиш приборларига ташки таъсир курсатишга харакат килиш;

- Газдан фойдаланиш қондадарига зид равишда газ тармоқларига ноқонуний уланиш ёки бошқа қондабузарликлар ёхуд газни талон-тарож килиш ҳолатлари аниқланганди;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида стказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.2. Тармоқса қайта уланишда амалдаги қонунчиликка мувофик Истемолчидан базавий хисоблаш миқдорининг ўи баравари миқдорида ҳак ундирилади. Шартноманинг 13.1.-бандида курсатилган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Газ истемолини хисобга олиш ва изорат клишининг автоматлашгирилган тизим (ТГХНАТ) ларига уланган истемолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳак ундирилмайди.

VII. ТАРАФЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.1. Етказиб берувчи куйндагиларга мажбур:

- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда саклаш ва уларни ўз хисобидан таъмираш-тиклаш;

- ўз газ тармоқларининг техник ҳоятини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;

- табиий газ етказиб берни қисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу түргида Истемолчиларни хабардор килиш;

- газ хисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини камидан уч йил мобайнода ўзида сакланишини таъминлаш;

- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига курсатилган ҳолатлар содир этилганинги ва ушбу ҳолатларни бартараф этиягунига қадар табиий газ таъминотини кўшимча огохлантиришларсиз тармоқдан ўчириш;

- табиий газнинг рухсатсиз истемол килинганини, газ тармоқларини моддий бойликларининг талон-тарож қилинганини тўгрисинда ҳуқукини муҳофаза килиш органдарини хабардор килиш;

- Истемолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- конунда назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақдимномасига асосан шартномага Ўзгартеришлар киритиш;

- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий курсатмаларини бажариш;

- техник хизмат курсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоклари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтнинда итказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш:

- табиий газ сизиб чиқишида — дарҳол;

- овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида (иситиш мавсумидан ташқари вактда) — икки кун давомида;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичидан алмаштириш;

Етказиб берувчи конуучиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи куйидаги хукукларга эга:

- техник заруратга кўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор килган ҳолда, табиий газни етказиб беришни кискартириш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармокларига ружсатсиз уланиш холатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармогидан узиб кўйиш;

- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш коидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишини талаб қилиш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро килишдан конун хужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиш;

- газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечикириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор килган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;

- ушбу шартномада назарда тутилган холатларда, аниқланган коидабузарликлар бартараф этилгунига қад. р аввалдан огоҳлантирган ҳолда газ етказиб беришни тухтатиш.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

7.3. Истеъмолчи куйидагиларга мажбур:

- хисобот ойинда табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва хисоб-варақасини расмийлаштириш учун ҳар ойининг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ хисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни хисобга олиш приборларининг курсаткичларини тақдим этиш.

- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;

- газ хўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техникижихатдан соз холатда саклаш;

- газ тармоқларыда ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келгани табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳаңда газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан ҳабардор қилиш;

- ўзининг газ тармоқлари дахлисизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиш;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛТХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймаслик;

- газ етказиб берувчи вактилари ва "Ўзнефтгазиспекция" ходимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истемол қилишни хисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришини таъминлаш;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш хукуқига эга бўлган юхтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;

- табиий газ истемолини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишланинга тўқсимилик қалувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг қасддан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамгаларнинг бутунилигини таъминлаш;

- табиий газ истемолини хисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қуай шакидда дарҳол ҳабардор қилиш.

- Газ тармоғи бўлинини чегарасида табиий газ сарфи буйича маълумотларни масоғидан олиш имкониятини берувчи газ истемолини хисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган (ПГҲНАТ-АСКУГ) тизимида уланган хисоблаш приборлари Истемолчи томонидан ўрнатиш..

7.4. Истемолчи Етказиб берувчидан қуидагиларни талаб қилиш хукуқига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истемолини хисобга олиш приборлари ишланинг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимига риоя қилган ҳолда узатилиши;

- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланишмага газ ҳажми учун тўланган суммани кайтариш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини конув ҳужжатларига мувофик бир томонлама бекор қилиш;

- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. баландлари бундан мустасно);

- газ етказиб бериши вактинча тўхтатишни.

Истемолчи конутичлик ҳужжатларида белгиланган бошқа хукукларга эга булиши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлнк етказиб берилмаганинги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда коплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ стказиб бермаганлик учун куйидаги ҳолларда жавобгар хисобланмайди:

а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармокларига қўшимча газдан фойдаланиши ускунасини рухсатсиз улаш ҳолати аникланганда;

б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганде;

в) конун хужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал қилинмаганида;

д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1-бандларида кўрсатилганҳолларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий хисоблаш микдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари микдорида жарима қўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тұғрисида"ги Конуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, куйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар;

б) магистрал газ кувурларида ва газ тармокларида авария ҳолатлари юз берганда;

в) қиши даврида вактинча газ етказиб бериш чекланганида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларва Тошкент шаҳри ҳоқимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташкири);

г) шартнома асосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмагандан.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив хужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи микдорида жарима тўлашни талаб қилиш ҳукукига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтиришни талаб қилиш ҳукукига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган зиммасининг 0,5 фоизи микдорида, бирок етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пения тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳаки ўз вактида тўланмаган такдирда, Истемолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтгантўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, бирок муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пея тўлади.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб колмасдан, барча амалдаги конун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбик этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

9.2. “Истемолчи” “Етказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида куйнагиларни кафолатлайди ва куйндаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истемолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида харакат килиб, “Етказиб берувчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча конун ва қоидаларига қатъий риоя килади.

X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибида жавобгар жойлашган жойдаги тегишилисудга мурожаат килишга ҳақлидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгаришишга йўл кўйилмайди, конунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий оғатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармокларида, газни қайта ишлаш корхоналарни ва газ қазиб чиқариш жойларида кутимаган авария вазиятлари юзага келганда, шунингдек ёнгиб бўлмас кучлар туфайли содир бўлган табиий оғатлар, хусусан, сел, ёмғир, сув тошкини, ёнгин чиқиши, ер кимирлаши, вирус тарқалиди ва пандемия даврида ҳамда Хукуматегорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмай колганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиш, кискартириш ёки муносабтларни тўхтатиш хукукига эга бўладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар кандай алока воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор килиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнинда сакланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажарниш тўгрисидаги карор қабул кирадилар.

XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма равищада расмийлаштирилиши хамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралидаги ПК-594-сон қарорига асосан Газначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан утказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома ~~2020~~ йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан биро шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан биро шартномани бекор қилиш тўғрисидаталаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчиликлар хар йили ~~2020~~ йил 31 декабр санасига" амал қилишлари лозим.

12.4. Томонларининг ушбу шартнома бўйича даъзолари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

XIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги "Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини таомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ти № 6010-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш жарабанида Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига қадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар биро учун икки нусхада тузилган, иккала нусхасиҳам бир ҳил юридик кучта эга.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» «HUDUDGAZ SAMARQAND» газ таъминоти филиали	«ИСТЕМОЛЧИ»
<p>Манзил: Самарқанд шаҳар, Буюк Ипак йўли қўч., 15 уй</p> <p>Тел/факс: (66) 239-78-11; Faks: (66) 239-78-12</p> <p>Банк номи: ХАТБ “ОРИЕНТ ФИНАНС”</p> <p>МФО: 01111</p> <p>ИНН: 306605769</p> <p>ОКЭД: 35230</p> <p>Х/Р 2021000405113960670</p> <hr/> <p>Раҳбар: <i>Муродов Абдулжониб</i> (Ф.И.Ш.)</p> <p>Информ: _____</p> <p>Муҳор Уруғи: <i>Муродов Абдулжониб</i> «HUDUDGAZ SAMARQAND» ГАЗ ТАЪМИНОТИ ФИЛИАЛИ б. Газиев</p>  	<p>Почта номидат: _____</p> <p>ОКПО коди: _____</p> <p>ОКЭД: _____</p> <p>Мулоқот телефони: <i>66-619-31-66</i> Уз/х. <i>134030003001000000</i></p> <p>Банк номи: <i>Хоризонт Банк</i> <i>Таджикстан Республикаси</i> МФО <i>00014</i></p> <p>ИНН <i>200743676</i> ш/х <i>1000128601871270111000000</i> х/р <i>134010003001000001010</i></p> <hr/> <p>Раҳбар: <i>Муродов Абдулжониб</i> (Ф.И.Ш.)</p> <p>Информ: _____</p> <p>Муҳор Уруғи: <i>Муродов Абдулжониб</i></p> 

Юридик месахитчи хулосаси: *Муродов Абдулжониб*

(Ф.И.Ш.)

(имзо, муҳор)

сана)

2022 йил *26 Адаб* даги

20 ~~22~~ йил ~~26~~ «Рекорд» даги
1519 -сон шартномага
ИЛОВА

Фойдалинишга қабул қылмыгынан газда фойдаланиш ускуналары

РҮЙХАТИ

Фийолият түри: бюджет
Кадастр №

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Табий газ тарифи 1 м³ 660 сум — тийин

№	Корхона, бүлім ва цехни номланиши	Агрегаттар		Лойиҳавий газ сарфи (паспорт) м3/саат	Газни ҳисобга олинш приборларининг турлари
		номер	сөз		
	Бисеге	ДМВ	4	3,5x4=14	
		ПГ-4Х	1	1,6	

Келишилган:

Етказиб беруучи

Рахбар

Истөмөлчи

Имзоси

Рахбар

(Ф.И.Ш.)

Ижредчи

Имзоси

Жеке үрнә

(Ф.И.Ш.)

БОЛГАСТАНИМ

ДОЛГАСТАНИМ

